



ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

• 2002 йил 9 ноябрь, шанба

• №89 (11.477)

• Эркин нарҳда сотилади

ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗАГА ЭЪТИБОР

Олий Мажлис Ёшлар ишлари қўмитасида Президентимиз Ислам Каримов томонидан жорий йилнинг Қарияларни кадрлаш йили деб эълон қилингани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида қарияларни ижтимоий муҳофаза қилишга оид талабларнинг ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда кекса авлод вакиллари-нинг қонун ҳужжатларида бел-гиланган ҳуқуқларини таъминлаш борасида Соғлиқни сақлаш, Меҳ-

нат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, "Нуроний" ҳамда "Маҳалла" хайрия жамғармалари томонидан олиб борилаётган ишлар муҳокама этилди.

"Қарияларни кадрлаш йили" давлат дастурини ҳаётга изчил татбиқ этиш борасида муайян

ишлар амалга оширилаётир. Аммо, айрим ташкилотларда давлат дастурида кўзда тутилган тадбирлар ижроси бўйича етарлича иш олиб борилмапти.

Йиғилишда бундай камчиликларни кечиктирмай бартараф этиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Олим НОРБЕКОВ,
ЎЗА мухбири.

Шу сонга

«ЯНГИ ТЎЛҚИН» ЗАФАРИ

Ўртачирчиқ туманидаги «Янги тўлқин» ширкат хўжалигининг пахтакорлари куни кеча зафар маррасига етиб келдилар. Мавжуд 617 гектар майдонда пахта етиштирган фидойилар уйган «оқ олтин» хирмони 1654 тоннадан ошди. Ҳосилдорликни гектаридан 32-35 центнерга етказишга эришган Ҳикмат Пардаев, Жамол Сотиболдиев, Аширали Сасмақов, Муҳаммадали Тўйчиевлар етакчи бўлган пудратчилар жамоаси пахтани аъло навларга сотишга муваффақ бўлди.

Муҳаммад КАРИМ.

Корхоналар ТАҚДИМОТИ

Тошкентда "Тошмаргё" ва "Янгийўлғмоё" очик турдаги акционерлик жамиятларининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Ушбу тадбир "Ёғмойтамакисаноат" уюшмаси томонидан Корхоналарни хусусийлаштирилгандан сўнг қўллаб-қувватлаш бросиси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Маъмур тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад мамлакатимиз ёғ-мой саноатига хорижий сармояни жалб қилишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг "Янгийўлғмоё" ва "Тошмаргё" акционерлик жамиятларига хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича чоратадбирлари тўғрисидаги қарорига мувофиқ чет эл сармоядорларига корхоналар акцияларининг 51 ва 62,45 фоизи сотилади.

Ж. РАУПОВ,
ЎЗА мухбири.

ЗАНГИОТА ТУМАНИ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Шу йил 7 ноябрь куни халқ депутатлари Зангиота тумани Кенгашининг навбатдан ташқир сессияси бўлиб ўтди.

Унда ташкилий масала қўрилди.

Ҳасан Нурматов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан туман ҳокими вазифасидан озод қилинди.

Сессияда Акмалжон Тешабоевич Исабоев Зангиота тумани ҳокими этиб тасдиқланди.

ФАН СОҲАСИДАГИ АЛОҚАЛАР

Брюсселда бўлиб ўтган НАТО Илмий қўмитасининг йиллик сессияси фан ва техника соҳасида янги сиёсатни тасдиқлашга бағишланди.

Ушбу сессияда республикамиздан Ўзбекистон Республикасининг НАТО Илмий қўмитасидаги вакили, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Илмий-техника тараққиётини мувофиқлаштириш кенгаши қошидаги Фан ва технологиялар маркази директори ўринбосари Али Охунوف иштирок этди.

НАТО Илмий қўмитаси сессиясида ўтган йили АҚШдаги 11 сентябрь воқеалари халқаро ҳамкорлигининг қўллаб-қувватлашга ўзгартиришга, шу жумладан фан ва техника соҳасига ҳам ўз таъсирини ўтказгани таъкидланди. Бугунги кунда халқаро террорчиликка қарши курашиш, экологик хавфсизлик ва ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий имкониятларини фаоллаштириш муаммоларини ҳал этишда илмий-техника салоҳиятидан фойдаланиш бу соҳанинг асосий устувор йўналишлари ҳисобланади.

Али Охунوف сессия давомида НАТО Бош қотиби Жорж Робертсон билан учрашди. НАТО Бош қотиби Ўзбекистон улкан илмий салоҳиятга эга эканлигини қайд этди. Шу билан бирга, учрашувда республикамиз олимлари турли устувор халқаро муаммоларни ҳал этишда иштирок этиш учун катта имкониятларга эга эканлиги ҳақида сўз борди.

А. ИВАНОВА,
ЎЗА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллигига

МИНГ ОЛТИ ЮЗ ХОНАДОН — БИР ОИЛА


Тожибой РИЗАЕВ,
Паркент туманидаги «Заркент» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси,
Ўзбекистон Қаҳрамони

Биз учун энг улуг, энг азиз байрам — Мустақиллик байрами. Аммо мен учун Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни — 8 декабрь ҳам бир умр унутилмас азиз байрам бўлиб қолади. Чунки, Конституция куни арафасида — 2001 йилнинг 5 декабрида Ўзбекистон Қаҳрамонининг «Олтин юлдуз» нишонини шахсан юртбошимиз кўксимга таъқиб қўйдилар.

Йўқ, мен бу билан ўзимнинг Ўзбекистон Қаҳрамони эканлигимни таъкидламоқчи эмасман. Балки, ўша ҳаяжонли онларда қалбимда кечган бир синоатни айтмоқчиман. Ўшанда беш кишига Қаҳрамонлик нишони топширилган эди. Эътибор бериб қарасам, бешовимиз бешта миллатга мансуб фуқаролар эканмиз. Шу фикр ҳаёлимдан ўтади-ю, бутун вужудимни халқпарвар, миллатпарвар, фуқаропарвар ҳукуматимиз, унинг оқилу одил раҳбарларидан фахрланиш туйғуси қамраб олди. Ҳукуматимизнинг мамлакатда тинчлик, осойишталик, миллатлараро тотувлик, эркин ва яратувчан меҳнат муҳитини яратиб бераётган оқилона ички ва ташқи сиёсатига тасаннолар айтдим.

Ҳар сафар шу ҳақда ўйлаганимда, Асосий Қонунимизнинг инсонпарварлик ғоялари билан йўғрилган моддалари ёдимга тушаверади. Маҳобатли тоғлар бағрида жойлашган қишлоғимиз Заркентнинг бетакрор гўзал манзаралари, эмин-эркин замондан, фаровон турмушдан мамнун ҳамқишлоқларимнинг хушнуд чеҳралари кўз олдимдан бирма-бир ўтаверади.

Асосий Қонунинг 4-моддасида шундай сатрлар бор: «Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади». Мен бу модданинг амалдаги ижросини Заркентнинг обод ва кўркем жамолида, замонавий қишлоқ инфратузилмаларининг кундалик изчил фаолиятида, ҳамқишлоқларимнинг тўқин-сочин ҳаётида яққол кўраман. Асосан тожиқлар ва қисман ўзбек-



лар умргузаронлик қиладиган Заркентдаги турмуш тарзи шаҳарларникидан қилишмайди. Тўққиз минг аҳоли истиқомат қиладиган 1600 хонадоннинг ҳаммаси табиий газ билан таъминланган. Ҳар бир хонадонга тортилган қувурларда тиниқ ва беғубор булоқ суви оқади.

Конституциянинг 36-37-моддаларида ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли эканлиги, меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шaroитларида ишлаш ҳуқуқига эгаллиги қайд этилган. Бизнинг хўжалигимизда ушбу модда тўла амал қилаётти десак муболага бўлмайди. 800 гектар тоқзоримиз бор. Йилига 11-12 минг тонна ҳосил олинади. Соф даромад 300 миллион сўмдан кам бўлмайди. Ҳар йили 1000 гектар ерда ғалла етиштирилади. Ҳаммаси — лалми. Кам дегадда 20 центнердан хирмон кўтарилади. Масалан, бу йил ёғингарчилик кўп бўлгани учун ҳосилдорлик 27 центнерга чиқди. Соф даромад 34 миллион сўм бўлди.

Хўжалигимизда чорвачилик ҳам йирик тармоқ ҳисобланади. Фермамизда 900 бош қорамол, шу жумладан 380 бош сигир бор. Бундан ташқари 4800 бош қўй-эчки ва 150 та йилқи боқилади. Мустақиллик йилларида чорвачилик ҳам рентабелли тармоққа айланиб, хўжалигимиз хазинасига йил сайин мўмай даромад келтираяпти. Бир сўз

билан айтганда, хўжалигимиздаги ҳар бир пудратчи том маънода мулкдорга айланган.

Хўш, пудратчининг чинакам мулкдорлиги нималарда намоён бўлмоқда?

Асосий Қонунинг 53-54-моддаларида хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида эканлиги, мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгаллик қилиши, ундан фойдаланиши ва тасарруф этиши қонуний мустақамлаб қўйилган. Аввало, пудратчиларимиз ўзларининг мана шу ҳуқуқларини яхши билиб олишган. Шу билан бирга мулкдор сифатидаги бурчларини ҳам яхши тушунишди ва унуттирмади. Буни узум етиштириш билан шуғулланаётган пудратчилар мисолида кўриб чиқиш мумкин.

Хўжаликнинг 800 гектар тоқзори 1100 нафар оилавий пудратчига расмий ҳужжатлар асосида бўлиб берилган. Ҳар бир пудратчи ўзига тегишли тоқзорига шахсий мулки сифатида қарайди ва шу нукта назардан келиб чиқиб, авайлаб асрайди, парвариш қиладди. Хўжалик бошқаруви улар билан ернинг шароити ва узумнинг навига қараб, гектарига 10-12 тонна ҳосил юзасидан шартнома тузади. Шартномада белгиланганидан оширгани — ўзиники. Нима қилса, ихтиёри.

Бундай эркинлик жуда қўл келаяпти. Айрим пудратчиларимиз етиштираётган узумнинг бир боши бир яшик бўлади. Бу муболага эмас. Шунинг учун аксарият пудратчиларимиз гектаридан 16 тоннагача ҳосил олишяпти. Йиллик даромадлари эса 2 миллиондан 4 миллион сўмгача бораёпти.

Мен эмас, шулар Қаҳрамон аслади. Заркентликлар истиқлол берган ва Ўзбекистон Конституцияси қонуний мустақамлаб қўйган эрк туфайли ўз келажакларини ўз қўллари билан яратмоқдалар. Бир минг олти юз хонадон бир оиладек жиқслашиб, бир ёқадан бош чиқариб, аҳил-иноқликда меҳнат қилиб, ўз ҳаётларини янада фаровонлаштириб бормоқдалар.

Қишлоқ инфратузилмаси

Хўжалик маблағи Ҳисобига


Тошкент туманидаги Охунбобоев номи ширкат хўжалиги жамоаси деҳқончиликдан ҳар йили кўплаб даромад олмақда. Бу маблағнинг салмоқли қисми қишлоқларда инфратузилма иншоотларини барпо этишга ажратилапти.

Шу маблағ ҳисобидан кейинги йилларда янги мактаб, замонавий боғча-мактаб мажмуаси, турғуқона ва қатор бошқа иншоотлар қурилди. Ҳозирги вақтда эса, хўжалик ҳудудидаги 9-ўрта мактабни кенгайтириш ишлари олиб борилмоқда. Ўқув масканининг янги икки қаватли қўшимча биноси қад кўтараяпти. Бу ерда 13 та синф ташкил этилади ва улар ўз бағрига 420 нафар ўқувчиларни олади. Қўшимча бино қурилиши учун 180 миллион сўм сармоғи ажратилди. Шу кунгача унинг ярмидан ортироғи ўзлаштирилди.

Ўз сафига 20 нафардан ортиқ қўли гул бунёдкорларни бирлаштирган жамоа қурилиш ишларини кун сайин жадаллаштирмоқда. Фишт терувчилардан Дилмурод Салимов, Баҳром Икромов, Обид Дадабобоев, пайвандчи Эргаш Ботировлар меҳнатда касбдошларига намуна бўлишяпти.

СУРАТЛАРДА: ширкат хўжалиги раисининг қурилиш бўйича ўринбосари Амиржон Зокиров ва сардор Жўра Салимов қурилишнинг бориши ҳақида ўзаро суҳбатлашмоқдалар; мактаб қўшимча биноси қурилишининг умумий кўриниши.

Даврон АХМАД олган суратлар.



Дарсликлар танлови ғолиблари

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда "Устоз" жамғармаси ҳамкорликда ташкил этган анъанавий йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифлари ҳамда энг яхши маъруза матни республика танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломов Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги "Ўзлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори ижроси йўлида уюштирилган мазкур танловнинг асосий мақсад ва вазифалари ҳақида тўхталар экан, яратилаётган дарсликларнинг сифат ва савияси анча ўсган бўлса-да, улар орасида замон талабига жавоб

бера олмаётганларини ҳам учратиш мумкинлигини таъкидлади. Шу жиҳатдан, дарслик ва ўқув адабиётларини ўқувчи-ёшлар талабига мос равишда, замон руҳидан келиб чиққан ҳолда яратиш, сифат ва самардорлигини ошириш мақсадида ўтказилган ушбу танлов ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Танловда йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифлари босқичига умумий ўрта таълим, ўрта махсус касб-хунар таълими ва олий таълим учун яратилаётган янги ўқув адабиётларининг 600 дан ортиғи тақдим этилди ва 99 таси ғолиб чиқди. Йилнинг энг яхши маърузаси танловга таклиф этилган 294 номдаги матндан эса 11 таси ғолиб деб топилди.

ЎЗА.

КЎЗБОЙЛОҒИЧ ПАНД БЕРДИ

Уловинг бузуқ-майишқ бўлса, узоққа боролмайсан. Аммо Ўртачирчиқ туманидаги «Истиқбол», «Роватак» ва «Янги тўлқин» ширкат хўжаликларидаги катта-кичик раҳбарлар бу оддий ҳақиқатни унутиб қўйишди. Бўлмаса, айна пахта терими бошланиши арафасида кўзбойлогич ўйнашармиди?

Хусусан, «Роватак» ширкат хўжалиги бош муҳандиси Н.Қабдулов икки кўзини чирт юмиб, имзо чеккан маълумотномада 21 та транспорт трактори, 16 та тиркама арава мавсумга шай деб кўрсатилганди. Аслида бу транспорт воситаларидан 10 таси чекка-чеккада шалағи чиқиб ётарди. «Истиқлол»нинг бош муҳандиси О.Абдусаматов кўзбойлогичликда қўшнисидан ҳам ўтиб тушди. У икки кўсак чувиш машинасидан биттаси, 20 та трактор тиркамасидан 16 таси мавсумга шай, деб кўрсатди.

Лекин, текширувчилар сарагини-саракка, пучагини-пучакка чиқарди. Чунончи, «Роватак»даги каби «Истиқлол»да ҳам ҳар иккала кўсак чувиш машинаси, трактор тиркамаларидан 8 таси носоз эканлиги аниқланди.

«Янги тўлқин»да ҳам ойни этак билан ёпиб бўлмади. Текширишлардан маълум бўлишича, бешта трактор тиркамаси, битта кўсак териш ва битта чувиш машинасининг бир йиллик чангини ҳам артиб қўйишмаган экан.

Кўзбўямачилар маъмурий ҳуқуқбузарликда айбланмоқда. Кошкийди, жарима тўлаб қутилишса...

Вилоят прокуратурасида

ҚАЛТИС ТАВАККАЛЧИЛИК

Шошган ўрдак ҳам боши, ҳам думи билан шўнғийди, дейишади. Бўқада бўлиб, «Ўткир» фермер хўжалигининг фаолияти билан танишсангиз, беихтиёр шу нақл хаёлингизга келади. Бунинг боиси бор.

Ортиқча оворагарчиликсиз бой бўлиб олиш нияти фермер Й.Шодиевни шошган ўрдак ҳолатига тушириб қўйди, уйқусини қочирди. Охири «имконини» топди. Ўзига берилган 24,5 гектар майдоннинг 16 гектарыга бу йил пахта экиш керак эди.

— Уйчи ўйлагунча, таваккалчи ишини битказиб қўяди, — ўзи-ўзига шундай деди-да, Шодиев шартта пахта экиш учун берилган 11,5 гектар майдонга сабзавот, полиз экинлари экиб юборди. Қарабсизки, ҳамёнда пул жарак-жарак, қозонда қора қўйнинг думбаси жиз-жиз.

Аммо орзулари сароф бўлиб чиқди. Шошқалоқ фермер мўмай пуллари санаб, жиззадан татиб улгурмади. Режа интизомини бузгани учун терговда жавоб бера бошлади...

ҲАМКОРЛИК

ЮСАИД ЛОЙИҲАСИ БИЛАН

Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодий ва статистика вазирлигида «Стратегия – цивилизация, гендер, барқарорлик» нодавлат но-тижорат ташкилоти тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ЮСАИД лойиҳаси билан ҳамкорликда солиқ тизимининг асосий йўналишларига бағишланган семинар ўтказди.

Унда Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ходимлари ҳамда юртимизда фаолият юритаётган хорижий, қўшма корхоналар, кичик ва ўрта бизнес вакиллари иштирок этди.

Анжуманда, баъзи имтиёзлардан ноўрин фойдаланиш ҳоллари ҳам учраётгани, айрим қишлоқ хўжалиги корхо-

налари ер солиғи имтиёзларини суиистеъмол қилган ҳолда бошқа турдаги фаолият олиб бораётгани таъкидлаб ўтилди. Бундай иллатларнинг олдини олиш учун солиқ тизимини янада такомиллаштириш, солиққа оид қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни кенгроқ тарғиб этиш лозимлиги қайд этилди.

ЮНИСЕФ КЎМАГИДА

Тошкентдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида «Ўзбекистонда ювенал адлия: ҳақиқий аҳвол ва истиқбол» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Уни ўтказишдан мақсад ювенал адлия - вояга етмаганларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид вазифаларни аниқлаштириш, мамлакатимизда ушбу соҳадаги ҳолатни мониторинг қилиш, халқаро тажрибани ўрганиш ҳамда вояга етмаганлар орасида жиноятчилик муаммоларини ҳал этишга ёндошувларни белгилаб олишдан иборат.

Ушбу семинар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Оила, оналик

ва болаликни ижтимоий муҳофаза этиш мажмуи томонидан ЮНИСЕФ ва «Бола-ларни қутқаринг» (Буюк Британия) халқаро ташкилоти кўмағида уюштирилди. Унда республикаимизнинг давлат ва жамоат тузилмалари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, халқаро ташкилотлар вакиллари, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муаммолари билан шуғулланувчи маҳаллий ҳамда хорижий мутахассислар иштирок этмоқда.

АНЖУМАН

НОТИҚЛАРИ – ТАЛАБАЛАР

Тошкент Молия институти талабаларининг Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий муносабатлар тизимидаги ўрнига бағишланган илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Институт ректори академик М.Шарифхўжаев конференцияни очар экан, Президентимиз Ислам Каримовнинг Олий Мажлис тўққизинчи сессиясидаги маърузасида учинчи устувор йўналиш сифатида белгилаб берилган муҳим вазифа - бозор ислохотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётимизни яна-

да эркинлаштириш ва жаҳон бозорига рақобатбардошли маҳсулотларни чиқаришни кўпайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратганлигини таъкидлади.

Анжуман ўз ишини бир неча секцияларда давом эттирди. Талабаларнинг ўнлаб илмий маърузалари тингланди.

ЛОҚАЙДЛИКНИНГ БАҲОСИ

Қиличини яланғочлаб қиш келаяпти. Ким-ким, аммо пахта тозаловчилар учун қиш фасли — чинакам иш фасли. Шундай бўлгач, усқуналар соз, бинолар иссиқ, иш кийими башанг бўлганига нима етсин.

Афсуски, айна шу жиҳатни «Мустақиллик» пахта тозалаш корхонасининг раҳбари М.Бекмуродов назарига илмади.

Эътиборсизлик шунчаликки, чанг ютгичлар қаровсиз, бинолар таъмирланмаган. Чанг-тўзонда ишловчи кишилар ҳимоя воситаларига эга эмас. Ишчилар махсус иссиқ иш кийимлари билан таъминланмаган. Ҳатто, хоналардаги ёритиш мосламалари ҳам ишламайди.

Раҳбарнинг кўзи илғамаган бу нуқсонлар прокуратура текширувчилари нигоҳидан четда қолмади. Корхона раҳбари М.Бекмуродов ҳам, бош муҳандис И.Холматов ҳам, Хасково Кетмонтена ва Дўстобод пахта қабул қилиш пунктларининг мудирлари М.Давлатов, З.Рустамов ва Н.Абдуллаевлар ҳам маъмурий жавобгарликка тортилдилар.

Ю.ЖУМАНИЕЗОВ.

10 ноябрь — Халқаро ёшлар куни

Ёшлар — бизнинг таянчимиз, бизнинг келажакка умидимиз, хайрли ишларимизнинг давомчисидир. Миллий тикланиш ғояси қарор топтирилиши, давлатимизнинг гуллаб яшнаши таъминланиши... ёшларимизнинг қандай инсонлар бўлиб камол топишларига боғлиқ. Фарзандларимиз биздан яхшироқ, покизароқ, инсофлироқ бўлишлари керак. Бизнинг куч-қудратимиз ва келажакимиз, биз қураётган жамиятимизнинг маъноси мана шундадир.

Ислом КАРИМОВ.

МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ

Мастура УМАРОВА,
Тошкент Давлат Аграр университети аспиранти,
Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори

— Юртбошимизнинг бу сўзлари зиммамизга алоҳида масъулият юклайди. Биз она-Ватанимизнинг умидини оқлаш учун билимдон ва баркамол инсонлар бўлиб етишишимиз лозим. Ҳар биримиз ўз ўрнимизда юртга хизмат қилишимиз керак.

Қишлоқ хўжалиги мустақил юртимизнинг муҳим ривожланиш омилларидан. Мен танлаган йўналиш эса, юртимиз галла мустақиллигига эришишида катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам танлаган илмий ишим, шунингдек, олиб борилаётган лаборатория тадқиқотларим ҳам юртимизда галла мустақиллигига эришиш, мўл ва баракали ҳосил олишга, маҳаллий шароитга яхши мослашган, тезпишар, ётиб қолмайдиган, касалликлар ва зараркунанда-

ларга, ташқи ноқулай шароитларга чидамли, ҳосилдор навларни яратишга қаратилган. Шукри, бугун қилшимиз меҳнатларим самарасини кўряман.

Университетда ўтказилган «Зукко агроном», «Иқбол» қизлар кўрик-танловларида ғолибликни қўлга киритганимда, кечалари ухламай китоб титганларим, лабораториядаги тажрибам наф бермай, асабларим таранглашган пайтлар мутлақ эсимдан чиқиб кетган. Айниқса, шундай илмий изланишлар мобайнида бир нарсани тушуниб етдим. Бугун кимки бошлаган

ҚАРЛИҒОЧГА НАСИБ ЭТГАН БАХТ

Аввалига қишлоқда оддий оила қизи бўлган Қарлиғоч «Нархоз»га ўқишга кирибди, деган гап тарқалганда, бунга кўпчилик ишонқираманганди. Яқинда эса, уни Англияга ўқишга кетаётган эмиш, деган гап-сўзлар ҳаммани хангу-манг қилиб қўйди.

Асли юқоричирчиқлик бўлган Қарлиғоч Кенжегалиева 1997 йилда ўрта мактабни аъло баҳолар билан тамомлагач, ўз бахтини синаш мақсадида, Тошкент Давлат Иқтисодиёт университетининг «Банк иши» факультетига ҳужжатлар топширди. Омади бор экан, талаба бўлди. 2001 йилда ўқишнинг бакалавр босқичини тамомлаб, магистратурада билимини мустаҳкамлашга қарор қилди.

У ўз муваффақиятларини янада юқорироқ чўққиларда

кўрмоқчи эди. Мақсадига эришди.

Бахт деганлари шу бўлса керак, у «Умид» жамғармаси совриндорларидан бирига айланди. Қарлиғоч ўз мутахассислиги бўйича Англияда билим олиш имкониятини қўлга киритди.

— Бу омадми ёки бахт — билмадим, ҳар ҳолда олган билимларим, ота-онамнинг дуолари ижобати деб биламан, — дейди Қарлиғоч Кенжегалиева. — Илгари бундай муваффақият

ҳаёлимга ҳам келган эмасди.

Бугун биз ёшлар учун барча имкониятлар эшиги очилди. Президентимиз ва халқимиз ёш авлодга катта ишонч билан қараяпти. Мен ҳам ана шу ишонччи оқлаб, мустақил юртимиз, халқимиз равнақи учун ўз ҳиссамни қўшаман. Англияда олиб қайтадиган билимларимни Ватанимиз тараққиёти йўлида сарфлайман.

«Умид» грантининг барча соҳиблари қатори Қарлиғоч Кенжегалиевага ҳам ўқишга юбориш ҳақидаги сертификатлар ҳамда Президентимизнинг совғалари топширилди.

— Қилган меҳнатимнинг самарасини кўргим келаверади, — дейди мулоимлик билан Саидмурод.

— Ҳамма ишга қандай улгурасан?

— Техника менинг ёрдамчим, барча юмушни у билан битираман.

— Тракторни бошқаришни биласанми?

— Ер олганимдан сўнг, буни ҳам ўрганишга тўғри келди.

Шу заминда ҳар сафар узоқ-узоқ суҳбатлашиб ўтираемиз.

• Вилоят жами аҳолисининг 719 минг 608 нафарини ёшлар ташкил қилади.

• Шаҳар ва туманларда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг 3 мингга яқин бошланғич ташкилотлари иш олиб бормоқда.

• Улар ўз сафларига 519 минг 979 нафар йигит-қизни бирлаштирган.

• Қурилиш ва транспорт, саноат соҳаларида 50 минг 346 нафардан зиёд, қишлоқ хўжалиги соҳасида 51 минг 126 нафар йигит-қизлар меҳнат қилмоқда.

• Олий ва ўрта махсус билим юртларида 31 минг 835 нафардан кўпроқ, ўрта мактабларда 300 минг 705 нафар ўғил-қиз билим олмоқда.

ишида бирон-бир самарага эришаман, ўз мутахассислигимнинг ҳақиқий эгаси бўламан, элимга, Ватанимга хизмат қиламан деса, аввало, масъулиятни ҳис этмоғи, сабр-қаноат билан меҳнат қилмоғи керак. Шундагина кўзлаган мақсадга эришаркан.

УЧИНЧИ МИНГ ЙИЛЛИК БОЛАЛАРИМИЗ

Ирода ЖАББОРОВА,
Ўзбекистон Жаҳон тиллари университетининг биринчи босқич талабаси

— Бу йил ҳаётимда унутилмас из қолдирмоқда. Мен жонажон шахрим Бекободда 2-мактабни муваффақиятли битказиб, олий ўқув юртида грант асосида ўқимокдаман. Республика фан олимпиадасида қатнашиб, учинчи ўринни эгаллаганлигим менга шундай имтиёз берди.

Бахтимдан ўргилайки, мактабда билимдон ва талабчан устозлардан таълим олдим. Ўқитувчиларимизнинг панднасихатлари, бизларни камолга етказган дарс машғулотларини ҳеч қачон унутмаймиз. Улар дарсларни янги андоза-

лар бўйича ташкил этиб, бизга пухта, асосли билимлар беришди.

Синфлараро, мактаблараро олимпиадалар ҳам ёшларда қизиқишни кучайтираётди. Кейинги тўрт йил мобайнида шахримиз ўқувчилари вилоят ва республика фан олимпиадаларида совринли ўринларни эгаллашаётгани бунинг далили бўла олади. Ўн беш фан бўйича 45 ўқувчи вилоят олимпиадасида қатнашди. Шаҳримиз вакиллари она тили, рус тили ва чизмачилик фанлари бўйича биринчи ўринларни эгаллашди. Умуман, Бекобод шаҳрининг ўқувчилари

вилоят олимпиадасида ғолиб бўлишди.

Вакилларимиз республика билимдон ўқувчилари мусобақасида ҳам чизмачилик бўйича биринчи, она тили бўйича иккинчи, давлат ва рус тиллари бўйича учинчи ўринларни эгаллашди.

Биз келажакимизга ишонч, шу азиз Ватанимизга муносиб фарзандлар бўлиб етишиш иштиёқи боис шундай натижаларга эришдик. Бунинг учун кунт, сабот, қатъият, ирода ва чидам керак эканлигини ҳам чуқур англаб етдик. Айни шу жиҳатлар олий маълумот олишим учун ҳам асқотади, деб ўйлайман.

ТЕНГДОШ ҲАҚИДА СЎЗ

— Ҳар доим тенгдошларимга ҳавас билан қарайман, — деди Аграр университети талабаси Тоир Исмоилов. — Айниқса, ҳунармандчилик билан шуғулланаётган ёшларни кўрганда, улар амалга ошираётган ишлар, бунёд этаётган санъат асарлари кишини ҳайратга солиши ҳавасимни келтиради.

Наққошлик, ўймакорлик, дурадгорлик, косиблик ва бир қанча халқ ҳунармандчилиги турлари бугун ёшлар қўлида равнақ топяпти. Улар ана шу меҳнатлари билан ризқ-рўз топиб, оила тебратаяптилар.

Бундан ташқари қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам тенгдошларим ажодлари бошлаган ишларни давом эттириб, янгиликлар кашф этмоқдалар.

Пскентда Саидмурод исмли яқин бир дўстим яшайди. Унинг ерга меҳри баланд. Ўзига тегишли 13 гектар экин майдони бор. Ҳар сафар уйига борганимда, далада кезиб юганининг устидан чиқаман.


У ёш бўлишига қарамай, қишлоқ хўжалигининг анча-мунча сир-асрорларини билиб олган.

Аслида мен ҳам шу соҳани танлашимга дўстим сабаб бўлган.

Яқинда у билан янги иш бошлашни мўлжаллаяпмиз. Турли сабзавот экинларининг уруғлиги ва кўчатларини тайёрлаб, ундан даромад олмоқчимиз.

Юртимизда Саидмурод каби юрагида ўти бор, тишлаган жойидан узиб олувчи ёшлар жуда кўп. Фақат уларни излаб топиш, кенг йўл очиб бериш керак.

Саҳифа материалларини «Тошкент ҳақиқати» муҳбири Равшан ЁҚУБЖОНОВ тайёрлади. Суратлар муаллифи Даврон АҲМАД.



Dushanba

11

«Ўзбекистон» телеканал

Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан душанба, 11 ноябрь куни «Ўзбекистон» телеканал...

18.10 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Нукус». Премьера. 18.25 «Мулк».

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 Давр тонги. 10.00 «Янги авлод» студияси: «Спорт майдончаси».

олдидан «Озод элим-ойдин йўлим» кўриктанлови: Қашқадарё вилояти телерадиокомпанияси тақдим этади.

«Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал: «23,5 даражали бурчак остида».

«Халқаро» телеканал

БИРИНЧИ КАНАЛ 7.30-9.00. ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕ-СИ 17.15-17.45.

30-канал

16.55 Дастурнинг очилиши. 17.00 Шоу соати. 17.40, 20.45 «Телехамкор».

Seshanba

12

«Ўзбекистон» телеканал

5.30 «Рамазон тухфаси». 5.50 «Гули». Телефильм. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

спорт». 13.30 «Олам». Телеальманах. 14.10 «Буни умр дерлар».

«Ёшлар» телеканал

20.30 «Ахборот». 21.05 «Солиқ ва биз». 21.20 «Ўзбекистон» каналда илк маротаба: «Ошин».

«Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал: «23,5 даражали бурчак остида».

«Халқаро» телеканал

«Биринчи канал» 7.30-9.00. ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕ-СИ 17.15-17.45.

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.45 — «Телехамкор».

Chorshanba

13

«Ўзбекистон» телеканал

5.30 «Рамазон тухфаси». 5.50 «Дўппи». Телефильм. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

13.05 «Баркамол авлод орузи». 13.25 «Ошин». Телесериал. 14.10 «Остонаси тиллодан».

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 Давр. 9.15 «Янги авлод» почтаси.

«Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал: «23,5 даражали бурчак остида».

«Халқаро» телеканал

«Биринчи канал» 7.30-9.00. ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕ-СИ 17.15-17.45.

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.45 — «Телехамкор».

Payshanba

14

«Ўзбекистон» телеканал

5.30 «Рамазон тухфаси». 5.50 «Нодир хазина». Телефильм.

шаҳарча». 2. «Болаликнинг мовий осмони».

«Ёшлар» телеканал

17.15 «Хунарманд». 17.30 От спорти бўйича Ўзбекистон биринчилиги.

«Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал: «23,5 даражали бурчак остида».

«Халқаро» телеканал

«Тўйлар ҳақида». 21.45 «Рамазон тухфаси».

30-канал

15.05 Кўҳна оҳанглар. 15.15 «Жаннат».

«050».
18.25 Табобат оламида.
18.45 Оқшом наволяри.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 Тв-анонс.
19.40 Кўхна оҳанглар.
19.55 «Давр»-интервью.
20.10 Бегойим.
20.30 «Ер ишқи».
Муסיкий дастур.
20.50, 21.25, 22.35
Эълонлар
20.55 «Эсмеральда».
Телсериал.

21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.10 «Ёшлар» телекана-лида спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида:
23.55 Давр.
1.00-1.05 Хайрли тун!
«Тошкент» телеканал
17.15 Кўрсатувлар

тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «23,5 даражали бурчак остида». 13-қисм.
17.45, 19.05, 22.00 «Экспресс» телегазета-си.
18.05 Болажонлар экрани. «Фаройиб кудук».
18.30, 20.00, 21.10, 22.20 «Пойтахт».
Ахборот дастури.
18.50 «Навнихол».
19.25 «Камолот фасли».
19.45 «Жозиба».
20.30 ТТВда сериал:

«Азизим Изабелла».
21.30 «Мушоҳада».
22.45 Кинонигоҳ.
«Калейдоскоп».
23.55-00.00 «Хайрли тун, шахрим!»
«Халқаро» телеканал
«Биринчи канал» 7.30-9.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕ-СИ 17.15-17.45
17.45 Кўрсатувлар тартиби.
17.50 «Вести».
18.05 «Евроњьюс» янгиликлари.

18.20 «Биз анойи эмасмиз». Ҳажвий кўрсатув.
19.00 «Оилавий ришталар». Сериал.
20.00 «Заиф бўғин». Телеўйин.
21.00 «Время».
21.40 «Виртуал олам».
21.50 «Британия кундалиги».
22.05 «Хинд оҳанглари».
22.25 Кинематограф.
«Куйлаётган аёл».
Бадий фильм.
23.30 «Юлдузлар фабрикаси».
00.00 «Ахборот» (рус тилида)

00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.45 — «Телехамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар» Сериал. 10.40 «Яхши кайфият». 11.10 «Сирларимиз ёзи». Сериал. 12.00 «Фанат». Жангари фильм. 13.30 «Яго, зулмат эҳтироси». Телесе-

риал. 15.00 «Домино принципи». 15.50 «30-канал»да спорт». 16.50 «Шоу соати». 18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Тузоқ». 19.30 «Ошиқона». Муסיкий дастур. 19.45 «Бригада». Сериал. 21.05 «Клип-совга». Телетабринома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».
21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Сен-Пьер ороллиқ бева».
23.15 Спорт дастури.

JUMA
«Ўзбекистон» телеканал
5.30 «Рамазон тухфаси».
5.50 «Зардўзлар». Телефильм.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Табиат алифбоси». 2. «Бешбармоқ».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Шавкатли рицар Айвенго ҳақида қисса». Бадий фильм.
11.30 «Ўзлитинг намоён қил». Экранда - Қашқадарё вилояти.
11.50 ТВ клип.
12.05 «Китоб жавонингизга».
12.15 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари».
12.35 «Озода бўлса шахрим».

12.50 «Олам». Телеальманах.
13.25 «Санъатга баҳшида умр». Т. Алиматов.
14.10 Телемулоқот: «Тўйлар ҳақида» (такрор)
14.50 ТВ анонс.
14.55 «Живз ва Вустер». Телесериал.
15.45 ТВ клип.
15.55 «Хуқуқ сабоқлари».
«Болалар сайёраси»:
16.15 1. «Уйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
16.55 «Рамазон тухфаси».
17.15 «От спорти бўйича Ўзбекистон биринчилиги».
17.45 Муסיкий танаффус.
18.10 «Сихат-саломатлик».
18.30 «Истеъдод».
18.50 «Тафсилот».
19.05 «Ҳидоят сари».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Бир жуфт кўшиқ.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Сиеъсат оламида».
21.25 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси.
21.55 «Рамазон тухфаси».
22.15 «Мумтоз наволяри».
22.35 «Рухият манзаралари».
22.55 «Спорт, спорт, спорт».
23.10 «Ахборот-дайжест».
23.30-23.35 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Спорт майдончаси». «Келинг, танишайлик».
9.45 «Покахонтас». Мультсериал. 24-қисм.
10.10 «Давр»-интервью.
10.25 Муסיкий лаҳзалар.
10.35 ТВ-анонс.
10.40 «Эсмеральда». Телесериал.

11.10 Ёшлар овози.
11.30 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
12.20 Бегойим.
12.40 Интерфутбол.
14.20 Кўхна оҳанглар.
14.30 Бола тилидан.
15.00 «Жаннат». Бадий фильм. 2-қисм.
16.25 Кўрсатувлар дастури.
16.30 «Янги авлод» студияси: «У ким? Бу нима?»
16.50 «Покахонтас». Мультсериал. 25-қисм.
17.15 Бахтли болалик кўшиқлари.
17.25 ТВ-анонс.
17.30 Олов билан юзма-юз.
17.45 Дунё ажойиботлари.
18.05 Ёшлар овози.
18.25 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 10 йиллиги олдидан. «Хуқуқ ва бурч».
18.40 Оқшом наволяри.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 Тв-анонс.
19.40 Кўхна оҳанглар.
19.55 «Давр» нигоҳи.
20.15 «Озод юрт

фарзандлари». Видеофильм.
20.30 Ёшлар наволяри.
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.55 «Эсмеральда». Телесериал.
21.30 Аскар мактублари.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.10 «Ёшлар» телекана-лида спорт: «Ринг қироллари».
00.10 Давр.
00.25 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.
00.50-00.55 «Хайрли тун!»
«Тошкент» телеканал
17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «23,5 даражали бурчак остида». 14-қисм.
17.45, 19.05, 21.50 «Экспресс» телегазета-си.
18.05 Болажонлар экрани. «Тайёрланмаган дарслар мамлакатда».

18.30, 20.00, 21.10, 22.10 «Пойтахт».
Ахборот дастури.
18.50 «Мисли гавҳар».
19.25 ТТВда муסיка.
19.30 «Саодат калити».
20.30 ТТВда сериал: «Азизим Изабелла».
21.30 «Хамшаҳарлар».
22.35 Кинонигоҳ «Бу чексиз олам».
00.20-00.25 Хайрли тун, шахрим.
«Халқаро» телеканал
«Биринчи канал» 7.30-9.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕ-СИ 17.15-17.45
17.45 Кўрсатувлар тартиби.
17.50 «Вести».
18.05 «Евроњьюс» янгиликлари.
18.20 Хужжатли детектив.
19.00 «Оилавий ришталар». Сериал.
20.00 «Муъжизалар майдони».
21.00 «Время».
21.35 «Юлдузлар фабрикаси».
22.35 «Дурдаршан».
23.00 Кинематограф.
«Ёввойи муҳаббат».

Бадий фильм.
00.45 «Ахборот» (рус тилида)
1.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.45 — «Телехамкор». 9.30, 14.10 — Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар». Сериал. 10.40 «Яхши кайфият». 11.10 «Сирларимиз ёзи». Сериал. 12.00 «Фанат-2». Жангари фильм. 13.30 «Яго, зулмат эҳтироси». Телесериал. 15.00 «Домино принципи». 16.00 «30-канал»да спорт». 16.50 Шоу соати. 18.00 «30»да ринг қироллари. 18.50 Елена Степаненко шоуси. 19.30 «Ошиқона». муסיкий дастур. 19.45 «Бригада». Сериал. 21.05 «Клип-совга». Телетабринома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».
21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Макс ва Иеремия».
23.15 Спорт дастури.

SHANBA
«Ўзбекистон» телеканал
5.30 «Рамазон тухфаси».
5.50 «Ўзбектеlevision» намоиши: «Она замин неъматлари».
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Уйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
9.40 «Ҳидоят сари».
10.00 «Мумтоз наволяри».
10.20 «Рухият манзаралари».
10.40 «Спорт, спорт, спорт».
10.55, 14.00 ТВ анонс.
11.00 ТВ-1 кинотеатри: «Шерлок Холмс ва доктор Ватсоннинг саргузаштлари». Бадий фильм. 3-қисм.
12.15 «Шерлок Холмс ва доктор Ватсоннинг саргузаштлари». Бадий фильм. 3-

фильм. 2-қисм.
14.05 «Маърифат». Телеальманах.
14.25 ТВ клип.
«Адабий ҳараён»:
14.35 1. «Езувчи ва замон». 2. «Шеър ва шуур».
15.10 «Уйку салтанати». Мультфильм.
15.20 «Куйла, ёшлигим».
15.45 Болалар учун. «Фламинго».
16.05 «Бу акиб фасл». Телеальманах.
16.25 «Ягона оилада».
16.55 «Рамазон тухфаси».
17.15 «Рангин дунё».
17.35 ТВ клип.
«Болалар сайёраси»:
17.45 «Муъжизалар майдончаси». Телешоу.
18.45 Эстрада тароналари.
19.05 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)

20.30 «Ахборот».
21.05 «Олтин дала». Пахтакорлар учун дам олиш дастури.
21.40 «Рамазон тухфаси».
22.00 Телевизион миниатюралар театри.
22.30 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» - «Самарқанд-Д».
«Трактор» - «Бухоро».
24.00 «Ахборот-дайжест».
00.20-00.25 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 Давр тонги.
9.00 «Янги авлод» студияси: «У ким? Бу нима?»
9.20 «Покахонтас». Мультсериал. 25-қисм.
9.45 Болалар клуби.
10.05 Табобат оламида.
10.25 Муסיкий лаҳзалар.
10.35 ТВ-анонс.
10.40 «Эсмеральда». Телесериал.
11.10 «Бунёдкор» ёшлар телеклуби.
11.35 Ринг қироллари.
12.35 «Давр» нигоҳи.
12.55 «Калбим чечаги». Телесериал 9, 10

қисмлар.
14.30 Ёшлар овози.
14.50 «Ёшлар» телекана-лида спорт: Теннис.
15.30 Кўхна оҳанглар.
15.35 «Рамайна». Телесериал.
16.15 Ишнинг бароридан келсин.
17.15 Кўрсатувлар дастури.
17.20 «Янги авлод» студияси: «Бўш ўтирма».
17.40 «Покахонтас». Мультсериал. 26-қисм.
18.05 Футбол плюс.
18.25 Бизнес-академия.
18.45 Оқшом наволяри.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 Мозийдан келажакка.
19.55 Кўхна оҳанглар.
20.05 «Давр»-репортаж.
20.15 Кутилмаган меҳмон.
20.35 Муҳаббат кўшиқлари.
20.55, 21.45, 22.35 Эълонлар
21.00 «Калбим чечаги». Телесериал. 11-қисм.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 Тунги тароналар.
22.55 «Ёшлар» телекана-лида премьераси: «Танишинг, Жо Блэк».

Бадий фильм. 1-қисм.
00.25-00.30 «Хайрли тун!»
«Тошкент» телеканал
17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «Мультчархпалак».
17.40 «Жаҳон географияси».
18.10, 19.40, 21.45 «Экспресс» телегазета-си.
18.30 «Афиша».
18.50 «Муסיкий лаҳзалар».
19.00 «Пойтахт».
Шанбадан-шанбагача (рус)
19.20 «Хусусийлаштириш: кадам-бақадам».
20.00 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.50 «Моҳир».
21.00 «Пойтахт».
Шанбадан-шанбагача.
21.25 «Ташриф».
22.05 Кинонигоҳ.
«Қаноти-ми, оёғи».
23.35-23.40 «Хайрли тун, шахрим!»
«Халқаро» телеканал
9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «ТВ-4да муסיка».
9.10 «Алиса муъжизалар мамлакатда». Фильм

балет.
10.10 «Лаззат».
10.30 «Табиатунос билан саёҳат».
11.00 «Е. Петросяниннинг Кулгу панорамаси».
11.40 «CFI янгиликлари».
11.50 «Мультсванс».
12.10 «7 дан 70 гача».
12.40 Болалар соати: «Навқирон Айвенго». Бадий фильм.
14.10-15.10 «Дўстлик» видеоканали: «Немис шарҳи», «Чинсан», «Бизнинг мирас».
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Йил кўшиқлари». Куз.
18.00 «Янгиликлар».
18.15 «Йил кўшиқлари». Куз.
18.50 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
19.55 «Сунгги қаҳрамон-2».
21.00 «Время».
Тунги канал: «Ҳали кеч эмас...»
21.30 «Шлягер».
21.45 «Т. Полонская билан бирга».
22.05 «Моданинг гўзал дунёси».
22.20 «Хит парад».
22.35 «Вояж».
22.50 «Яшаш воситаси».
23.05 «Бешинчи гилди-

рак».
23.20 «Автострада».
23.35 «Икки ёклама зарба».
23.50 «Ахборот» (рус тилида)
00.25 Киносеанс: «Кабелчи». Бадий фильм.
1.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.45 — «Телехамкор». 9.30 «Сув париси». Мультсериал. 10.00 Болалар учун фильм. 11.30 «Филимонов ва компания». 12.00 Оилавий кино. «Оқ Бим, қора кулоқ». 1-серия. 13.40 «Дискавери соати». 14.30 Хинд киносати: «Аччиқ ҳақиқат». 17.00 «Ўз ўйини». Телешоу. 18.10 «30-канал» кинооқшоми: «Бекиёс мовий денгиз». 19.45 «Ошиқона». Муסיкий дастур. 20.00 «Вовочка». Сериал. 20.30 «Клип-совга». Телетабринома. 21.05 «Ўлим калити». Детектив сериал. 22.00 «30-канал» кинооқшоми: «Мэрия». 23.4 Муסיкий дастур.

YAK SHANBA
«Ўзбекистон» телеканал
5.30 «Рамазон тухфаси».
5.50 «Афсонавий шаҳарда». Телефильм.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак».
Болалар учун кинодастур.
9.10 «Фаройибот».
9.30 «Ака-ука Гримм эртаклари». Мультфильм.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Она меҳри».
11.20 ТВ анонс.
11.25 Болалар учун видеофильм. «Бувим ёлган нон».
12.15 «Кўхна замин оҳанглари».
12.35 Телевизион миниатюралар театри.
13.05 «Муъжизалар майдончаси». Телешоу.
14.05 ТВ-1 кинотеатри: «Бургунд қасрининг сирлари».
15.35 «Калб гавҳари».

15.55 ТВ клип.
16.05 Муайтай бўйича Республика биринчилиги.
16.35 «Дунё эшиклари очилди бизга».
16.55 «Рамазон тухфаси».
«Болалар сайёраси»:
17.15 1. «Санъат гунчалари». 2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.10 «Талабалик йилларим».
18.30 «Туртинчи ҳокимият».
18.45 «Оқ олтин». Телелотеря.
19.15 Бир жуфт кўшиқ.
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар
19.30 «Тахлилнома» (рус тилида)
20.05 «Яқшанбада сиз билан бирга».
20.30 «Тахлилнома».
21.15 «Оталар сўзи-ақлнинг кўзи».
22.15 «Рамазон тухфаси».
«Яқшанба кинозали»:
22.35 «КиноТеатр».
22.55 «Ўзбекистон» каналида илк марота-

ба: «Эйс Вентура»: зоодетектив». Бадий фильм.
00.10-00.15 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 Давр тонги.
9.00 «Янги авлод» студияси: «Бўш ўтирма».
9.20 «Покахонтас». Мультсериал. 26-қисм.
9.45 ТВ-анонс.
9.50 «Давр»-репортаж.
10.00 Оҳанрабо.
10.35 «Заковат» интеллектуал ўйини.
11.30 «Ёшлар» телекана-лида харбий-ватанпарварлик дастури: 1. Марди майдон 2. Аскар мактублари. 3. Кутқарув «050».
12.20 Нокаут.
12.45 «Ниҳол» мукофоти совриндорлари куйлайди.
13.00 Дунё ажойиботлари.
13.20 Болалар экрани: «Ренард исмли тулки». Мультфильм.
14.35 Чемпион сирлари.
14.55 Кўхна оҳанглар.
15.05 «Экспедиция». Хужжатли сериал.
15.55 Қишлоқдаги тенгдошим.
16.15 Очун.
16.40 «Рамайна».

Телесериал.
17.30 Кўрсатувлар дастури.
17.35 «Янги авлод» студияси: «Ймкон» телеўйини.
18.10 Болалар клуби.
18.30 Спорт ҳафтанома-си.
18.45 Оқшом наволяри.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр»-news.
19.15 ТВ-анонс.
19.20 Кўхна оҳанглар.
19.35 Оила тилсимми.
20.00 Зинама-зина.
20.30 Ёшлар кўшиқлари.
20.50, 21.45, 22.30 Эълонлар
20.55 «Калбим чечаги». Телесериал. 12-қисм.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр» ҳафта ичида.
22.35 ТВ-анонс.
22.40 Тунги тароналар.
22.50 «Танишинг, Жо Блэк». Бадий фильм. 2-қисм.
00.20-00.25 Хайрли тун!
«Тошкент» телеканал
17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «Эртакларнинг сехри олами».
19.00, 20.40, 21.45 «Экспресс» телегазета-си.
19.20 «Жаҳон география-си».
19.50 «Телефакт».
20.00 «Табриклаймиз-

қутлаймиз».
21.00 «Пойтахт шарҳи».
21.25 «Бу сизга ёқди...»
22.05 Кинонигоҳ. «Пулга берилманг».
23.35-23.40 «Хайрли тун, шахрим!»
«Халқаро» телеканал
9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «ТВ-4да муסיка».
9.10 «Кайфият». Информацион-дам олиш дастури.
10.10 Д. Криловнинг «Йулда ёзилмаган қандлари».
10.30 «Ҳамма уйдалигида».
11.10 «Мазахўрақлар».
12.00 «Экилаж».
12.20 «Парле ву франсе?»
12.45 «FCN». Ўзбекистон янгиликлари (инглиз тилида)
12.55 «Инглиз тили Сиз учун».
13.20 «Хусусийлаштириш: кадам-бақадам».
13.40 «Фан тайм».
13.50-15.10 «Дўстлик» видеоканали: «Корейс тилини ўрганимиз», «Рангинкамон», «Дидар», «Айнурек».
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Бинафша».
17.25 «Мозик-холл».
17.50 «Ассалом, Франция!»

18.05 «Хикоя».
18.25 «Муסיкий серпантин».
19.05 КВН-202. Биринчи ярим финал.
21.20 «7 кун».
21.45 «Тенгдошлар».
22.15 «Олтин микрофон».
22.45 «Кинопрофи».
23.05 Кинематограф.
«Жиян». Бадий фильм.
00.30 «Тахлилнома».
1.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 11.30, 17.45, 20.45 «Телехамкор». 9.30 «Сув париси». Мультсериал. 10.00 Болалар учун фильм. 12.00 Оилавий кино. «Оқ Бим, қора кулоқ». 2-серия. 13.40

«Дискавери соати».
14.30 Кундузги кинозал.
«Мен болтали қотилга уйландим». 16.10 «Аёл нигоҳи». 16.40 «Яширин камера билан». Ҳажвий дастур. 17.00 «Ўз ўйини». Телеўйин. 18.10 «30-канал» кинооқшоми: «Стрингер». 19.45 «Ошиқона». Муסיкий дастур. 20.00 «Бизда ҳамма уйда». Ҳажвий сериал. 20.30 «Клип-совга». Телетабринома. 21.05 «Ҳимоя чизиги». Сериал. 22.00 «30-канал»да яқшанба кинооқшоми. «Бўри уяси». 24.15 Спорт шарҳи.

Чиноз туманидаги 10-мактаб томонидан Тур-сунбоева Нигора Шерпулатовна номига берилган UZA 08245 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.
Тошкент шаҳар, Бектемир тумани савдо департаменти томонидан 29.03.2000 йилда «Тошвилкитобсавдо ва таъминоти» очик акциядорлар жамиятига берилган CM № 06257 рақамли савдо қилиш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тарих ва замон

Ўзбекистон Республикаси Бадий академиясининг Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида ёш олимларнинг "Ўзбекистон санъати илмий-тадқиқот объекти сифатида" мавзудаги илмий-назарий конференцияси бўлиб ўтди.

Анжуман иқтидорли ёшларни аниқлаш ва рағбатлантириш, Ўзбекистон санъати тарихи ва назариясини ўрганишда замонавий йўналишларни белгилаш, шу йўл билан фанда авлодлар воясига етишиши мустаҳкамлашга қаратилган. Бундан ташқари, ушбу анжуманда мамлакатимиз ёш илмий ходимларининг юқори билимлилиги, етуклигини намойиш этиш ҳам мўлжалланган. Конференция ишида қарийб 20 нафар ёш олим иштирок этди. Уларнинг ишлари махсус эксперт комиссияси томонидан текширилди. Анжуманда сўзга чиққанлар орасида театршунослар, кино, телевидение ва санъатнинг бошқа йўналишлари назариячилари бор эди. Улар ўз маърузаларини ўрта аср санъатини, замонавий Ўзбекистон санъатининг долзарб жараёнларини ўрганишга бағишладди.

Ҳ.СОДИҚОВА,
ЎЗА мухбири.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев сценарийи асосида таниқли кинорежиссёр Шавкат Жунайдуллаев «Хуршида» номли бадий фильмини суратга олди. «Ўзбектефильм» студияси томонидан тайёрланган мазкур фильм яқинда телеэкран орқали томошабинларга ҳам намойиш этилди.

Маълумки, ҳар бир ҳақиқат ўз даври ва ўз вақтида айтилиши ўринлидир. Ҳар қандай ижодкорнинг асари у хоҳ роман, кисса ёки ҳикоя бўлишидан қатъи назар, агар у фильм қилинаётган бўлса, албатта ўзига хос ҳаётий тафсилотлар, манзаралар ҳамда воқеа-ҳодисаларга катта эътибор беришга тўғри келади. Режиссёр асарни ҳар томонлама ўрганиб, унинг бадий қиймати ва халқчиллигини очиб бера олиши зарур. Сценарий муаллифи ва режиссёр янги талқин, янги гоя, янги нафас билан асарга ёндошганликларни сабабли янги фильм томошабинни асло зериктирмайди.

«Хуршида» фильмини тасвирга олган Абдуҳаким Қораев ўзига хос топиқлар қилганки, ҳар бир сюжет, мулоқот, тафсилот ва манзаралар ўз ўрнида. Фильмдаги манзаралар шундай тасвирга туширилганки, уни ҳаётдан ажратиш бўлмайди. Шунингдек, куй танлашда композитор Вла-

«ХУРШИДА»

димир Барамиковнинг хизматлари ҳам таҳсинга сазовор. Ҳар бир воқеа куйга азбаройи мос тушганидан томошабин асарни завқу шавқ билан томоша қилади. Шунингдек, шоир Усмон Қўчқор

шеърлари билан айтиладиган кўшиқларга иқтидорли бастакор Дилором Омонуллаева куй басталаган. Куй ва кўшиқлар бир-бирига уйғунлашиб кетган. Унда ортиқча ҳолат-

лар кўзга ташланмайди.

Томошабин актёрларнинг маҳоратига ҳам қойил қолиши табиий. Тамара Ҳазраткулова Хуршида ролини жуда маромида ижро эта олиб, қишлоқ қизининг феъл-атво-



рени яхши очиб берган. У муҳаббатга садоқатли бўлиш, ўз бахтидан кўра халқ манфаатини устун қўйиш ҳар қандай шароитда ҳам зарур эканлигини кўрсата олган. Шунингдек, фильмда Бексултон, Ўнбоши, Иноят, Шоумар ва бошқа ролларни ижро этган актёрлар Эргаш Каримов, Алишер Ҳамроев, Тоҳир Миралиев, Баҳодир Мирмаҳсудов, Адолат Кимсанова, Муборак Ашурбоевалар талқинидаги образлар тўғрисида ҳам самимий ва илиқ фикрларни айтиш мумкин. Тўғри, фильм нуқсонлардан ҳоли эмас. Бирок, камчиликлар фильмининг умумий қийматида асло таъсир этмайди. Чунки, ундаги воқелик муҳимлиги билан ажралиб туради. Сценарий муаллифи шундай ажойиб мавзунини қаламга олганки, у томошабинни ўзига нафақат мафтун этиб қолмай, юртимизда бўлаётган ўзгариш ва янгиликларга муносабат билдиришга, улардан ибрат ва сабоқ олиб яшашга ундайди.

Мамадали ЭРОНОВ.

СУРАТДА: актёр Муҳаммаджон Узоқов ва бош режиссёр Шавкат Жунайдуллаев.

Китобингизни ўқидим

Сермаҳсул ижод соҳиби, ҳозиржавоб шоир Ҳамид Норқулнинг Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган «Белида белбоғи бор эл» шеърый тўпламини маза қилиб ўқиб чиқдим, тўғриси роҳатландим.

ЎЗ ЮРТИДА МАРДИ БОРЛАР БИЛАДИ

Шу ўринда гарчи, шеърят оламига фарқ бўлиб кетсам-да, бир ҳаётий воқеа ёдимга тушди. Ёз фасли эди, болалар оромгоҳимиз бағрида мириқиб дам олишарди. Ушанда бир гуруҳ шоирлар оромгоҳимизга ташриф буюриб, болажонлар билан бир чиройли учрашув ташкил қилдилар. Шоирлар орасида ҳамюртимиз Ҳамид Норқул ҳам бор эди. У ўзининг «Ёнар сўз» шеърый тўпламини Оролбўйи болаларига тақдим этди. Болаларнинг севинганларини бир кўрсангиз эди. Келгуси йили ҳам Оролбўйидан келган болалар оромгоҳимизда дам олдилар. Бир куни уларнинг тарбиячилари ташкил қилган тадбирларида иштирок этишимизни илтимос қилишди. Қорақалпоқ болалари ажойиб дастурлар тайёрлашди. Уларнинг бийрон-бийрон тилда ўқиётган, айтаётган шеърлари қулғимга жуда таниш эшитилди. Бу самимий мисраларни қаердадир ўқиганман, хотирам панд бермади: дарвоқе, «Ёнар сўз»да ўқиганман-ку. Хуллас, шу куни

қорақалпоқлик ўғил-қизлар «ёнар сўз»ларини ўз эгаларига ҳурмат билан қайтардилар чамамда. Китобнинг нечоғлиқ мўъжизавий қудратини кўринг! Энди бир ривоят: Абу Бакр ал-Хоразмий ўлим тўшагида беҳол ётар эди. Ундан:

— Нимани хоҳлайсан, кўнглинг нимани тусамокда? — деб сўрадилар.

— Китобнинг юзига бир қарасам! — жавоб берди аллома.

Дарҳақиқат, Ҳамиджоннинг «Умр ранги»даги «Ёнар сўз»лари, «Белида белбоғи бор эл»нинг «Ойдин ниятлар»и ҳам ана шундай сеҳрли қудратга эгадек туюлади, менга. Унинг шеърларидаги самимийлик, «белида белбоғи бор эл»нинг фахру ифтихори, «Ўйғонган болалари», «Тансиқ кунлар»и, «Бирнинг қудрати» ю, «Тупроқ хиди», «Еттидан етмишгача», «Эл бўлганнинг ялт этган фикрлари», «Бу кунларни бахт деб билган ўзбекнинг шох қизлари» хуллас, ҳамма-ҳамма ўхшатмалари, ўзига хос топиқмалари, жонолғич сатрлари қалбингизни жунбушга келтиради, шубҳасиз:

Янгаларинг сотиб кўйдим,
Совчи келмиш уйингга.
Куйдирги ёр, куйганингни
Айтасанми, тўйингга.

Уйноқи ва чиройли мисралар мисли маржондек тери-либ, кўзмунчоқдай тизилади. Кўзмунчоқни аслида оналариниз кўркам болаларининг, хусусат қизларининг момик билакларига «кўз тегмасин» дея тақиб қўядилар. Шоирнинг бир-бирдан равон ва гўзал ташбеҳларини ўқий туриб, «шу шеърларни ёзган инсоннинг ҳам ақлига, ҳам заковатига, бийрон тилларига кўз тегмасин», дейсан беихтиёр.

Бу қадаҳнинг захари бор,
Юрак кўрқма, бўлгин тахт,
Утиб олсак бу кўприкдан
Нарёғида катта БАХТ.

Чамамда ўша кутлуг кўприклардан хавфу хатарсиз ўтган шоир ўзи излаган, орзу қилган БАХТга эришди. Чунки бахтли, бахтиёр, қалби эзгуликка тўлиқ инсонгина:

Қани, тойчоқ,
сув олинг-чи кўлларимизга,
Қаторлашиб чиқаверинг
йўлларимизга.
Ярашасиз ИСТИҚЛОЛ —
оқ гулларимизга...

Эл оғаси бўлар десам
ишонинг унга, —
дея олиш қудратига эга. Вилоятимизда шундай истеъдодли ижодкорларимиз борлиги билан фахрланиб, тўпламларини ўқиб, маънавий озуқа олиб, холисона ниятларимни битдим.

Ҳосият ОХУНЖОН қизи,
Ўртачирчиқ туманидаги
«Меҳржон» болалар
оромгоҳи ва сихатгоҳи
бош шифокори.

берг Т.Залькалн номидаги Латвия Давлат Бадий академияси расомларга бўлимига ўқишга кирди. У асосан ипак матоларга мойбўёк, акрил, сувбўёк, пастель билан чизилган асарлар яратади ҳамда кийимларга гул салади.

Людмила Гринберг пейзаж, марина, портрет, натюрморт ва фигурали композиция жанрида ишлайди. 1982 йилдан буён у маҳаллий ва хорижий кўргазмаларда иштирок эта бошлади.

(ЎЗА).

Шеърят

ҚАРО ЗУЛФИНГ

(Бобур ғазалига муҳаммас)

Қаро кўзлар қароғида, меним жуфт банди хорим бор
Икки қошинг сўроғида, маънос бир холу зорим бор,
Жамоли хусни боғида, ҳазон билмас баҳорим бор,
Қаро зулфинг фироқида, паришон рўзгорим бор,
Юзингинг иштиёқида не сабру не қарорим бор.

Жафою ранж чунон қилди, ғарибу Хомодон қилди,
Барини ўша жон қилди, кофру беимон қилди,
Нечун бирни омон қилди, бирни-чи безабон қилди,
Лабинг бағримни қон қилди, кўзимдин қон равон қилди,
Нега ҳолим ёмон қилди, мен ондин бир сўрорим бор.

Ошиқлар бари жам бўлса, ҳаммаси яққалам бўлса,
Ёра лутфу карам бўлса, ёрим одил ҳакам бўлса,
Яна жабру ситам бўлса, кўзларда ғусса нам бўлса,
Фалақдин менга ғам бўлса, улусдин гар алам бўлса,
Не ғам юз мунча ҳам бўлса, сенингдак ғамгусорим бор.

Жамолинг аксидур хуршид, фалақда устивор собит,
Дуо айланг, пири муришд, ўзимман воқифу воҳид,
Талабда бўлганмен шоҳид, эру бул лозиму лобид,
Агар муслиҳмен, ар мусфид ва гар ошиқмен, ар обид,
Не ишинг бор сенинг, зоҳид, менингни ихтиёрим бор.

Тилаб лутфу карам андин, қилурмен нола кўнгулдин,
Дема: не фойда бор булдин, ки рангим бўлди бад қулдин,
Ризомен бори мушқилдин ва ёрим не қилса ҳам шулдин,
Физоним ошди булбулдин, ғами йўқ бўйла бу қулдин,
Басе Бобур ўшал гулдин кўнгулда хор-хорим бор.

Алижон АЗИМОВ.

БИЗ ҲАМ...

Борми ошиқ, зоринга зулминг охири, кандаси,
Мискин деб зулм қилма кўп биз ҳам худонинг бандаси.

Бизларга ўйиб қабоғ, чимирилар қошлар асов,
Ином бегоналарга ул гунча лаблар ҳандаси.

Биз каби фақир ила бир лаҳза бўлмай гуфтигу,
Бўлгaysан тоқайгача базми жамшид гўяндаси.

Сийратим кўриб дегил «Мажнун», етгайман муродга,
Ишқингда кийгум бўлса гар қаландарнинг жандаси.

Не маломат бўлса ҳам тортмоққа шайман сен учун,
Майли чиқса бу йўлда ошиқ кўнгул шармандаси.

Севмасанг, сева ва лек қилма севгимни ихтисоб,
Бўлсангда бу оламда ишқ мулкнинг арзандаси.

Доғу хижрон, қайғу ғам азалий қисмат ошиққа,
Ошигин ўйнатар минг куйга ишқнинг чирмандаси.

Эй, Усмон бода бирла хушнуд айла кўнгулни сен,
Лоҷарам, бода эрур ғаму қайғу кушандаси.

Усмон ЭГАМБЕРДИ,
Ангрен шаҳри.

«ИНЪИКОСЛАР»

Латвиялик расом Людмила Гринбергнинг Замонавий санъат марказида очилган шахсий кўргазмида шундай деб аталади. Бу кўргазмида Ўзбекистон Бадий академияси ва Латвия Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси томонидан ташкил этилди. Елгавадаги ўрта мактабни тамомлагач, Л.Грин-

XXI asr va dunyo

Mamlakatlar
Odamlar
Voqealar
G'aroyibotlar

Eng
songi
xabarlar

АСЕАН ТЕРРОРЧИЛИККА ҚАРШИ

Камбожа пойтахти Пномпенда Жануби-шарқий Осиё мамлакатлари уюшмасига (АСЕАН) аъзо давлатлар раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтмоқда. Унда халқаро террорчиликка қарши кураш муаммоси асосий масала сифатида муҳокама қилинмоқда. Иштирокчилар шу ойнинг ўзидаёқ Малайзия пойтахти Куала-Лумпурда террорчиликка қарши минтақавий марказ тузишга келишиб олди. АСЕАН саммити қатнашчилари бу иллатга қарши курашда ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириш лозимлигини таъкидламоқда.

Қабул қилинган декларацияда айтилишича, АСЕАНнинг келаси йил мартда Малайзияда ўтажак минтақавий хавфсизлик бўйича анжумани доирасида террорчиликка қарши кураш муаммоларига бағишланган учрашув бўлиб ўтади. Унда уюшмага аъзо мамлакатлардан ташқари, АҚШ, Япония, Жанубий Корея, Хитой ва Россия вакиллари иштирок этади. Шу муносабат билан давлат раҳбарлари халқаро ҳамжамиятни террорчиликка қарши курашда Жануби-шарқий Осиё мамлакатлари билан бирдамликка чакирди.

ҚАЙМОҚ ВА СУЗМАДАН ЗАҲАРЛАНИШДИ

Россиянинг Краснодар ўлкасида юзлаб одамлар ўткир ичак заҳарланиши ташҳиси билан касалхонага ётқизилди. РАТА-ТАСС ахборот маҳкамасининг хабар беришича, ҳозиргача саккиз юзга яқин одамда ана шундай инфекция аниқланган. Энг ачинарлиси, улардан 503 нафари 15 ёшгача бўлган болалардир.

Маълумотларга кўра, беморлар Кропоткин сўт комбинатида ишлаб чиқарилган қаймоқ ва сузмадан заҳарланган. Краснодар ўлкаси бош санитария шифокори Игорь Калашниковнинг сўзларига қараганда, айни пайтда вақтинча ёпиб қўйилган корхонанинг 300 нафар ходими тиббий текширувдан ўтказилмоқда. Чунки қадоқлаш цехида меҳнат қиладиган икки нафар ишчида Зонне дизентериясини кўзгатувчи бактериялар аломати аниқланган.

ФАЗОГА САЁҲАТ АРЗОНЛАШАДИ

Ер юзиде фазога саёҳат қилиш бахтига санокли кишиларгина эришган. Деннис Тито ва Марк Шаттлуорт Халқаро космик станцияда бир неча кун бўлиш учун йигирма миллион АҚШ доллари сарфлаган.


Бу Британиянинг «Нью сайентист» журнали мутахассисларининг айтишича, фазога парвоз этиш 15 минг долларни ташкил этиши мумкин. Улар янги фазо кемасини ишлаб чиқишни таклиф этмоқда. Икки қисмдан иборат кемада парвоз этиш сайёҳларга анча арзон тушиши мумкин.

Ушбу усул орқали йилига 9,5 мингта парвозни ташкил этиш мумкин экан. Ҳозирги кемада бир йилда кўпи билан ўн марта фазога чиқади, холос.

САРМОЯДОРЛАР, ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

Бельгиялик Ноэл Годэннинг қизик бир одати бор. У пулдорларни ёқтирмайди. Айни вақтда мавжуд ижтимоий тузумнинг ашаддий танқидчиси ҳисобланади. Шу билан мамлакатда оғизга тушиб кетган.

У бойлар ва машҳур кишиларга фақат тортлар отишни хуш кўриши билан шуҳрат қозониб, «Пишириқчи» лақабини олган. Яқинда жаҳонда бойлиги жиҳатидан биринчи ўринда турган, «Майкрософт» компанияси эгаси Гейтс унинг шундай хуружига рўбарў бўлди. Гейтс Брюсселдаги ҳукумат биносига таълим ҳақида маъруза ўқиш учун қирган эди. Унга тўртта торт отилди. Шундан кейин «Пишириқчи» ўзининг «террорчилик» қилмишини тан олди. Бироқ, Гейтс унга қарши жиноий иш кўзгатишни ўзига эп кўрмай, «исёнчи»нинг гуноҳидан кечди.



93 ЁШДА ТУРМУШГА ЧИҚДИ

Қозон шаҳрида яшовчи Евдокия Аполлонова болалари, набиралари ва эвара-чеваралари даврасида ўзининг бир асрлик умрини нишонлади. Кекса бўлишига қарамай кўшиқ куйлади, меҳмонларга хизмат кўрсатди. Умуман, ҳали анча бардам эканлигини намойиш этди.

У Пестречинск туманининг Надеждина қишлоғида туғилди ва умрининг кўп қисмини шу ерда ўтказди. Унинг тархимаи ҳоли ўзи каби қишлоқ меҳнатқаш аёллариникига ўхшаш, фақат, битта фарқи бор эди. У 93 ёшга кирганида биринчи муҳаббати соҳиб тул қолганлигидан хабар топиб, ўзига турмушга чиқишини таклиф қилди. Бироқ, бахтли никоҳ узоқ давом этмади ва Евдокия яна тул қолди. Ундан узоқ умр кўриш сирларини сўрашганда, у ҳаётим давомида уч марта оғир операция бўлиб, уларнинг ҳаммасида қонимни тўла алмаштирган эдилар, шу сабаб бўлгандир, дея изохлади.



(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

«АЛ-ЖАЗИРА» ВАКОЛАТХОНАСИ ЁПИЛДИ

Кувайт ахборот вазирлиги «Ал-Жазира» (Қатар) хусусий телеканалнинг мамлакатдаги ваколатхонасини ёпиш ҳақида қарор қабул қилди. РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарга қараганда, Кувайтда сўз эркинлиги ҳар қанча қадрланмасин, телеканал ходимларининг рўй бераётган ҳодисаларга ноҳолис ёндашуви, воқеъликдан узоқлашиб, манфаат кўчасига кириб қолавериши вазирликни шундай йўл тутишга мажбур қилган.

«Ал-Жазира»нинг 27 давлатда очилган мухбирлик постларининг аксар қисми асоссиз хабарлар тарқатгани учун тегишли идораларнинг кескин норозилигига сабаб бўлган.

Телеканалнинг Кувайтдаги ваколатхонаси ёпилиши илк бундай ҳолат эмас. Икки йил аввал Бирлашган Араб Амирликлари ҳукмати ҳам «Ал-Жазира»нинг мухбирлик постини ёпиб қўйганди.



Истамбулдаги масжид.

ТУРКИЯ: АТП ҒАЛАБАСИ

Ўтган яшанба кун Туркия парламентида муддатидан олдин сайлов бўлиб ўтди. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, Адолат ва тараққиёт партияси (АТП) энг кўп овоз олган. Сайловчиларнинг 34,27 фоизи Ражаб Эрдўғон йўлбошчилик қилаётган шу партияни ёқлади. Энди мамлакатнинг 550 ўринли парламентида АТПнинг 363 вакили жой олади.

Муваффақиятга умид болаган Халқ республикачилар партияси (ХРП) эса атиги 19,4 фоиз овоз олишга муваффақ бўлди. Бу партияга Туркия Буюк миллат мажлисида 178 ўрин тегди. Партия раҳбари Дениз Байкал таъкидлаганидек, ХРП ўз-ўзидан муҳолиф партияга айланади.

Қолган тўққиз ўрин мустақил номзодларга тегишли.

АТП ғалабасини маҳаллий таҳлилчилар аввалдан башорат қилган эди. Бу ғалаба унга бир партияли ҳукумат тузишга имкон беради.

АТП ташкил топганига унча кўп бўлгани йўқ. У Туркия конституциявий судининг қарорига биноан тарқатиб юборилган, собиқ бош вазир Нажмиддин Эрбоқон раҳбарлик қилган Рафоҳ партияси негизиде ташкил этилган. Сайловолди тадбирларда АТП раҳбарияти янги партия аввалгисига ўхшамаслигини таъкидлаб келди. Партиянинг

сиёсий дастурида таъкидланишича, АТП кўшни мамлакатлар билан тинчлик тамойилларига асосланган яқин муносабат ўрнатади. АҚШ эса Туркиянинг аввалгидек стратегик ҳамкори бўлиб қолаверади. Шунингдек, АТП ҳар доим Туркиянинг Европа Иттифоқига аъзо бўлишига интилиб боради. Шу боис у ЕИнинг номзод мамлакатлар учун жорий қилган барча талабларини бажаришга тайёр эканини билдирди.

АТП Бош қотиби Эртуғрул Ёлчинбайирнинг маълум қилишича, ҳозир партия раҳбарияти бош вазир курсисига номзод кўрсатишга киришган. Бироқ бу борада баъзи бир муаммолар юзга келди. Гап шундаки, АТП йўлбошчиси Ражаб Эрдўғон Конституциявий суд қарори билан сайловга қўйилмаган ва партия муассислари таркибидан ҳам ўчирилган эди. Халқ орасида катта обрўга эга бўлган, Истамбулнинг собиқ ҳокими Ражаб Эрдўғон бир вақтлар «Испом тарғиботчиси» сифатида қамоқда ҳам ўтириб чиққан. Унга раҳбарлик лавозимини эгаллаш таъқиқланади.

Туркияда бўлиб ўтган сайлов халқаро ҳамжамиятни бепарқ қолдирмаяпти. Чунки унинг халқаро майдонда, айниқса Европада ўзига яраша нуфузи бор. Европа Иттифоқининг ташқи сиёсат ва хавфсизлик масалалари бўйича олий вакили Хавьер Солананинг айтишича, Туркиянинг янги ҳукуматини унинг сиёсатига қараб баҳолаш керак. Хавьер Солананинг таъкидлашича, Европа Иттифоқи Туркиянинг янги партиясига ҳозирданок ишонч билдириши лозим. Чунки АТПнинг эълон қилган илк баёнотида қараганда, партия тўғри йўлдан бормоқда.

Саидмурод РАҲИМОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Турфа олам

Турфа олам

Маҳалла — тарбия ўчоғи

Республика "Маҳалла" хайрия жамғармасида маҳалла педагог-тарбиячиларининг малакасини оширишга бағишланган ўқув семинари бўлиб ўтди. Мазкур тадбир Ички ишлар ва Халқ таълими вазирликлари ҳамда "Маҳалла зиёси" ўқув-услубий маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Бугунги кунда жамиятимизда маҳалланинг нуфузи тобора ортиб бормоқда. Зеро, ма-

ҳалла тарбия ўчоғидир. Маълумки, ҳукумат қарори билан шу йилнинг 1 июнидан бошлаб ма-

ҳаллалар штат таркибига ёшлар ўртасида ташкилий-тарбиявий, оммавий спорт ишларини ташкил этувчи педагог-тарбиячи лавозими киритилди. Ҳозир бундай педагог-тарбиячилар республикамизнинг барча маҳаллаларида фаолият кўрсатмоқда.

Тадбирда педагог-тарбиячи

ҳар томонлама юксак фазилат эгаси бўлиши, ҳуқуқий маданияти, маҳорати ва билим савиясини янада такомиллаштириб бориши, миллий истиқлол ғояси, Ватан равнақи, юрт тинчлиги, миллатлараро тоғувлик, диний бағрикенглик ғояларини ёшлар онгига синдириш эса унинг доимий ишига айланмоғи лозимлиги таъкидланди.

(ЎЗА).

Табиатга меҳр керак

Республика ўқувчиларининг "Bioekosan" ўқув услубий мажмуида Ўзбекистон Миллий университети география факультети билан ҳамкорликда ўқувчи ёшлар онгига сувдан оқилона фойдаланиш тўғрисида сингдиришга қаратилган тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда ўқувчиларнинг экологик билимини ривожлантириш, уларнинг табиатга бўлган меҳр-муҳаббатини ошириш борасида янада самарали услуб ва воситалар излаб топиш, педагогик амалиётга татбиқ этиш, бунда сувни тежаб-тергашга қаратилган анъаналаримиз, урф-одатларимиз ҳақида доимий маълумот беришга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА муҳбири.

Аёллар фарзандларнинг кундалик ташвишлари, тарбияси хархашаларию, эркаликларига чидашларига тўғри келади. Шунингдек, оилада эр масаласи ҳам бор. Хотин уни ҳам ардоқламаса, таънаю-дашномлар «тағида» қолиб кетади. Кир-чирини ювиш, овқат тайёрлаш дегандек, иш кўп. Аёл ҳаммасини эплайди. «Хотин кишининг қирқта жони бор, агар зарур бўлиб қолса, қирқ биринчисини ҳам ишга солишга қодир...» деб бежиз айтишмаган.

«Чин» маънода айтганда, оилада эрнинг вазифаси «жуда-жуда осон». У аввало «рўзғорга барака киритувчидир». Яна битта қиладиган муҳим «иши» у ҳам хотинга боғлиқ. Бу масалада эркак «жуда нозик», агар уни жуфти-ҳалоли нимадандир норози қилиб қўйгудай бўлса, тамом, ялинишни эп кўрмайди. Хотин эса, «ношуд» эрдан «қойиллатиб» аламини олади. Яъни, унинг макру-зуғуми «қирқта эшакка юк бўлади».

ХОТИНЛАРГА

«ЖУДАЯМ ҚИЙИН»

Одобнома

Зарур бўлса «қирқ биринчи эшакка ҳам бемалол юкласа бўладиган» хийлаю-найранглари топади. Энг муҳими, эрга сездирмай «аламимни олаяпман» деб ўйлайди, шундан кўнгли таскин топади, ўзини ўзи юпатади. Гўё ғолиб бўлдим деб ҳисоблайди ўзини.

Аммо, эрни менсимаслик аёлга кўп зарар келтиради. Оталаридан баланд келаётган оналарини кўрган болалар «оила бошлиғи»ни менсимай қўядилар. Фожиа шундан бошланади, фарзандлар тарбияси масаласига дарз тушиб, бузилади. Энг ёмони ва муҳими, болалар ноқобил чиқиб қолса, бирор кор-холни содир этиб қўйса, она: «отаси тарбия бермаган-да, оилада у масъул бўлиши керак эди, ахир у оила бошлиғи-ку!» деб, айбни ўзидан соқит қилишга уринади... Ҳарқалай, эрга ҳам, хотинга ҳам инсоф берсин!

Баҳром ТОЖИЕВ

Bolalik bog'i

SHUBHASIZ...

Dars borardi sinfda,
Hamma o'ylar saboqni.

Azizvoyning xayoli
Kezardi boshqa yoqni.
So'rab qoldi muallim
Undan kutilmaganda:

«To'p tepildi», fe'lini
Ayt kelasi zamonda».

Bazo'r o'rnidan turib,
Javob qiladi Aziz:

— Agar to'pni men tepsam,
Gol bo'ladi shubhasiz.

Sobir OLIMJON.



Қатра

лида чопишини кўрсангиз. Унинг ақллигини айтмайсизми?

Қоплоннинг тўсатдан ғойиб бўлиши ҳаммамизни ташвишлантирди, «яхши ит ўлигини кўрсатмайди» деган ибора юради. Аммо болаларни бунга қандай ишонтириш мумкин?

Орадан кунлар ўта бошлади. Аста-секин Қоплонни ҳам унутди бошладик. Энди уни ҳар куни

арқонда ушлаб турган нарса нималигини пайкаш қийин эди.

— Итингизни олиб келдим. Шунда кутилмаган ғалати иш бўлди.

Ҳалиги кучук бирдан Нурмат аканинг қўлидан чиқиб, менга томон отилди. Орқа оёқлари билан тик турганча, қўлларимни ялаб, қандайдир ингради.

Қай кўз билан қарайки, бу ўзимизнинг Қоплон эди. Тиррик экан бизнинг Қоплон: тўшимми, ўнгимми, деб унинг бошини силар эдим.

Қариндошимизнинг айтишича, Қоплон марказий кўчанинг нариги томониغا ўтиб қолган. Бир «Жигули» уни туртиб кетганини болалар кўришибди. Болалар унга нон беришса қарамасмиш, кўча четига ётвилиб ўтган-кетганга мўлтираб боқармиш... Нурмат ака ишдан қайтса, таниш кучук унинг оёғига келиб суркалаверибди. Чарчаганлиги, бемаҳал бўлганлиги учун эгаларига олиб боришни у истамапти. Аммо овқатга ўтирса, ит увиллаб, шунақанги илтижо қилгандек бўлибдики, у кишининг юрак-бағри эзилиб кетиб, йўлга тушишга мажбур бўлибди...

Азонлаб, уйимиз яна болаларнинг шодон қийқиригига тўлиб кетди.

Муҳайё ТўЛАГАНОВА.



ҚОПЛОН

Тўсатдан итимиз йўқолиб қолди. Тўрт-беш йилдан бери уйимизда юрадиган Қоплон бир кунда дом-дараксиз кетди-қолди.

Нурмат ака деган қариндошимиз бор. Бир неча йил аввал шу кишининг ўғли Тоҳир бизга кучук бола совға қилган эди. Тоҳирнинг қўнидаги момикдек кучукчанинг мунчоқ кўзлари порларди.

Кучук бола думалаб-думалаб зўрга юрар, товоқчадан сут ичишни эплотмаганидан болалар унга сўргичли идишдан сут беришарди. Ўғилларим пўпалоқдек кучукчанинг йиқилиб-сурилиб юришидан завқланишар, қийқириб, унинг кетидан қолмас эдилар. Биз кучукчага Қоплон деб ном бердик.

Бизнинг Қоплон бошқача ўса бошлади. Юнги қалин, дўмбоқ, болалар билан ҳов-

эмас, баъзан эслаб турардик, ҳатто танишларга яхши кучук учраса, хабарини беринглар, деб илтимос қилгандик.

Бир куни қўшнимиз чиқиб қолди. У ёқ-бу ёқдан гурунглашиб ўтиргач, кетатуриб: «Эссизгина яхши итингиз бор эди-я. Бизнинг ҳовлини ҳам кўриқлаб турарди. Бечора нобуд бўлган кўринади» — деди.

Шу куни кечқурун угра пиширдим. Болалар идиш тубида озгинадан овқат қолдиришпти. «Бу нимаси, нега қолдирансанлар. Итимиз бўлмаса, уволку?» — деб уларни койиган бўлдим.

Бир куни кечаси ўғилларим ухлаб қолишди, дадалари тунги сменада, мен бўлсам тикишбичиш қилиб ўтирсам, кимдир чақиргандек бўлди. «Ким?» — деб ҳовлига чиқдим. «Менман» деган одам ўша Нурмат ака эди. Атроф қоронғулиги учун у

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
Ташкил қилувчи: Шайхон Раҳимов

Муассис
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълолар:
133-70-10, 136-53-80.

Манзилми:
700000, Тошкент
шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат
матбуот қўмитасида 8 рақами
билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер
марказида терилди ва
соҳифалонди.

• Эълон ва билдирув-
лардаги факт ҳамда да-
лилларнинг тўғрилиги учун
реклама ва эълон берув-
чилар масъулдир.